




**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Мингбулок тумани Халқ таълими  
булими мудирини

  
\_\_\_\_\_ А.Ганиев  
16 май 2022 йил

Мингбулок тумани Халқ таълими булимига  
карашли 19-сонли мактаб биносини жорий  
таъмирлаш ишларини бажариш учун ташкилотни  
танлаш бўйича

# **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**БУЮРТМАЧИ:** Мингбулок тумани халқ таълими булими

Мингбулок-2022

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

### 1.1. Товар ва хизматларинг характеристикаси

№	Номи	миқдори
1	Мингбулок тумани Халк таълими булимига карашли 19-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш	1

1.2. Танлов қиймати **937 257 339** (Туккиз юз уттиз етти миллион икки юз эллик етти минг уч юз уттиз туккиз) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Мингбулок тумани Халк таълими булими “(бундан кейин –«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Жомашуй шаҳарчаси Э.Урмонов кучаси 3-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Мингбулок тумани Халк таълими булими томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма мабларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг молжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

**3.3.** Агар танлов предмети бўлган ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлиқ фаолиятқонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

**4.2.** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

**4.3.** Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

**4.4.** Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиқ бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ёлиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

**5.3.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ёлиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан

камида уч кун олдин қарор вабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.